

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 3 май сешанба № 19 (746)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Бугун — Жаҳон матбуот эркинлиги куни

Холислик — ҳақиқат мезони

1997 йил
26 апрель

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

1998 йил
10 январь

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни қўлга кирди.

2003 йил
7 февраль

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни амалга киритилди.



АВВАЛО, бу байрам қандай пайдо бўлганлигини эслайлик. 1991 йилнинг 3 майида Намобийнинг Виндхук шаҳрида матбуот эркинлигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда Африка давлатлари газети ва журналларининг муҳаррирлари дунё ҳукуматларини оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга, журналистларнинг ҳақиқатни юзага чиқариш йўлидаги чиқишларига тоқатли бўлишга даъват этилди. Учрашув сўнггида матбуот эркинлиги тўғрисида Декларация имзоланди. Орадан икки йил ўтгач, 3 май БМТ томонидан Жаҳон матбуот эркинлиги куни, деб эълон қилинди. Мана, 18 йилдирки, 3 май бутун жаҳонда матбуот эркинлиги куни сифатида нишонланади. Жумладан, бизнинг мустақил давлатимизда ҳам. Бу сананинг ўта муҳимлиги эътиборга олиниб, 2006 йилда Ўзбекистонда "Олтин қалам" миллий танлови таъсис этилди. Шундан бери ҳар йили долзарб мавзларда қалам тебратётган журналистларнинг юксак ижодий маҳоратлари ҳамда ҳозиржавобликлари муносаб рағбатлантирилмоқда.

Азизлар, бугун байрам бўлса ҳам бир ҳақиқатга алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Матбуот эркинлиги тушунчаси турли давлатларда турлича талқин қилиб келинмоқда. Ахборот асрининг мураккаблиги ҳам шунда. Уни англаш ва идрок этишга ҳар ким ўз манфаатидан ҳамда нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашмоқда.

Бугунги кунда геосиёсий манфаатлар тўқнашуви, ўзгаларни ўз йўригига юритиш истаги, халқаро ҳакамлик даъвоси, турли низоларни бартараф этишда гуруҳбозлик қилиш, ер юзидан яқин ўтмишда юз берган ва ҳозир ҳам юз бераётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беришда, долзарб халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятга эга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа муҳим масалаларни ҳал этишга ёндашишда сиздан угина, мендан бугина қабилида йўл тутиш каби ҳолатлар жаҳон ахборот оқимидаги мақсадларнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Буларни илғаб олиб, идрок этиб, англаб етишнинг ўзи бўладими?..



Қутлаймиз!

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати "Олтин қалам" соҳиби



Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувонарлиси, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати "Энг яхши матбуот хизмати" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Таҳририятимиз жамоаси вазирлик ахборот хизмати ходимларини мазкур мукофот билан табриклайди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловдан сайловгача

2011 йил 31 МАРТДА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Кимлар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) бўлиши мумкин? Уларнинг маслаҳатчилари қандай ваколатларга эга бўлади? Улар неча ёшда бўлиши лозим? Ана шундай саволлар билан кўпгина фуқаролар Адлия вазирлигига мурожаат қилмоқда.

— Сайловда ишчи гуруҳларининг вазифалари нималардан иборат бўлади? Уларга қандай ваколатлар берилган?

К.МУЛЛАЖОНОВ,
Пайариқ тумани

— Ишчи гуруҳи: фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишдан камидан беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади; фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олади;

тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича тақлифлар тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг тақоррий саволви ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

— Вакиллар йиғилиши қақирлишининг афзалликлари томонини нимада? Сайловга оид қонунчиликда бу ҳақда нима дейилган?

Т.БОБОВЕВ,
Вобкент тумани

— Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қақирлади ва ўтказилади. Вакиллар йиғилиши аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш мақсадида фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорағида камидан бир марта қақирлади.

Унинг афзаллиги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва муҳофиза қилиш, ваколат доирасига қирадиган масалаларни демократик тарзда кўриб чиқиш, шу масалалар бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссияни сайлаш, фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган ҳолда яширин ёки очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролар йиғинида ўша ҳудудда доимий яшаётган, воқеа етган шахслар қатнашади. Фуқаролар йиғинини қақирлишининг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади.

— Мен иккита савол билан му-

рожаат қилмоқчиман. Биринчиси, ҳовилилар, уйлар, кўчалардан вакиллар сайлаш бўйича йиғилиш ким томонидан ташкил этилади ва ўтказилади ҳамда қандай тартибда ҳужжатлаштирилади? Иккинчи саволим. Ҳовилилар, уйлар, кўчалардан сайланадиган вакиллар нормасини ким белгилайди?

С.ОТАЖОНОВ,
Хонка тумани

— Биринчи саволингизга қўйиладиган жавоб бермоқчиман. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовилилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, маззелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган наомияндлар вакил қилинади. Иккинчиси саволингизга келсак, Қонунда ёзилишича, вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар олий маълумотли бўлиши шартми? Иккинчи саволим: Қўшни маҳаллада яшовчи фуқаро ҳам номзод этиб кўрсатиши мумкинми?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қонун тартиқсизлиги бўлиши шартми? Иккинчи саволим: Қўшни маҳаллада яшовчи фуқаро ҳам номзод этиб кўрсатиши мумкинми? Қўшни маҳаллада яшовчи фуқаро ҳам номзод этиб кўрсатиши мумкинми? Қўшни маҳаллада яшовчи фуқаро ҳам номзод этиб кўрсатиши мумкинми?

(Давоми бор)

Саволларга Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Алижон ОЧИЛОВ жавоб берди.

Адлия вазирлигида

Кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Р.Мухитдинов бошқарган бу мажлисда Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизими органларининг 2011 йилнинг биринчи чорағи давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

ҲИСОБОТ даврида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида жами 292 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, вазирлик ташаббуси билан 22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, адлия органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 6200 дан ортиқ мурожаат, жумладан, фуқароларнинг адлия органлари "Ишонч телефонлари"га келиб тушган 774 та мурожаати кўриб чиқилганлиги алоҳида таъкидланди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича адлия органлари ва муассасалари томонидан жами 14 мингдан ортиқ турли хил ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлиги, хусусан, телевидение, радио, газета-журналлар ва бошқа ОАВда тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги эътироф этилди. Айниқса, Адлия вазирлиги томонидан тарғиботни кучайтиришга қаратилган бир неча йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилганлиги ва бунда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги айтиб ўтилди.

Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номида маърузасида белгиланган вазифаларни ҳаётга тўла татбиқ этишда масъулиятни ошириш кўрсатиб ўтилди.

Адлия органлари томонидан ҳисобот даврида ўтказилган ўрганишлар давомида назорат қилувчи органлар томонидан 210 та ҳолатда рухсатсиз ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 533 та ҳолатда текширишларни ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳамда бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида адлия органлари томонидан 2231 та тақдимнома, 1989 та оғохнома ва 774 та кўрсатма киритилиб, натижаси бўйича 1900 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шундан 119 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилган, 264 нафари маъмурий, 9 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, адлия органлари томонидан судларга 5089 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг 70 фоизи қаноатлантирилган.

Йиғилишда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритишдаги мавжуд жами ижро ҳужжатларидан салкам 65 фоизининг ижроси таъминланганлиги айтиб ўтилди.

Ҳайъатда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текшириш ва аралашиларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилишини сўзсиз таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатларини туркумлаш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, жойлардаги нотариат, ФХДЭ идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш янада кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатлари тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш юзасидан адлия органларига юклатилган вазифаларни сифатли бажаришга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ҳайъат мажлисида муҳофиза этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

"Ҳуқуқ билимдонлари — 2011"

Иқтидорлилар ғолиб бўлди

УЧ ЙИЛДИРКИ, Адлия вазирлиги ташаббуси билан республикамизнинг борча ҳудудларида ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" республика қувноқлар ва зукколар беллашуви ўтказилмоқда.

НАМАНГАН шаҳридаги А.Навоий номида вилоят мусикали драма театрида ушбу беллашувнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Беллашувида дастлаб ҳудудлараро саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритиб, финал босқичига йўлланма олган Наманган, Андижон, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари ўзаро куч синашди.

Беллашув натижаларига қўра, Наманган вилоятининг "Янги аср ёшлари" ҳамда Қашқадарё вилоятининг "Парламент" жамоалари олий ўринга, Бухоро ва Навоий вилоятлари жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлишди. Иккинчи ўринга Андижон ва Хоразм вилоятлари, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳри жамоалари лойиқ, деб топилди.

Ғолиб ва иштирокчиларга Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатасининг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Адлия вазирлиги томонидан 2010 йилда яратилган "Ҳуқуқий етуклик баркамолликлари элтади" ҳамда бошқа ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди. Шунингдек, ғолиб жамоаларга Наманган вилояти ҳокимлиги ва адлия бошқармаларининг ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу танловда иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларни доимий равишда қўллаб-қувватлаш аниқлаш тусига кириб бормоқда.

Мисол учун "Ҳуқуқ билимдонлари — 2010" беллашувида Тошкентлик Маъмурхон Топқондоев, Навоийлик Раҳимжон Каримов, Наманганлик Орифжон Олимжонев ва яна бир қатор йигит-қизлар очилган қираларнинг намоён этишган бўлса, "Ҳуқуқ билимдонлари — 2011"да эса Бухоролик Каримий Ибодий, Қашқадарёлик Гулноза Дилмуродова, сирдарёлик Исом Нишонов ҳамда Тошкент шаҳридан Бобур Мўнавваровлар янги истеъодлар сифатида кашф этилди.

Адлия вазирлиги маъсулларининг таъкидлашича, ушбу беллашуви аънавий тарзда ҳар йили ўтказиш ва ҳамкорлар сафини янада кенгайтириш, янги иқтидорларни аниқлаш ва рағбатлантириш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Азизжон НОДИРОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови Демократик анъаналар рўёби

Мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти масъул ходимлари томонидан тайёрланган.

2011 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 2011 йил май-июнь ойларида қарийб ўн мингта ақин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг юз мингта ақин маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилган.

АВВАЛО, бу соҳадаги конституциявий кафолат сифатида Конституциямизнинг 105-моддасида шахарча, қишлоқ ва овуларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шахарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланган бўлиб, уларнинг қўлидан қўйилган.

Ушбу конституциявий қондалар кейинчалик янада ривожлантирилиб, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

Ҳуқуқий кафолатлар

органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 20-моддасида фуқаролар йиғини раисини (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича қондалар белгиланган бўлиб, унда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланиши, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), тегишли туман, шахар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг тақдимидаги биоан сайланиши, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши қайд этилди. Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни, фаолиятини қонуний нуктаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида 2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонун 31 моддалардан иборат бўлиб, унинг мақсади шахарча, қишлоқ ва овул ҳамда шахардаги, шахарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек, унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур сайловнинг бошқа сайловлардан фарқи жиҳати шундаки, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаро-

лар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланиши белгиланган. Бу шунга асосланган, мазкур сайловларда вакиллар институти қўлланилади. Қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилиниши ва ўтказилиши белгиланган бўлиб, фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовиллар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мазеелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар қабул қилинади.

Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шахар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди. Оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида тайёрларлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганини ёритиб боради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан қўб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови нақшалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантирилади, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек, мамурий комиссияни сайлайди.

Ҳулоса қилиб айтганда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатда демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишдаги, “Қўли давлатдан — қўли фуқаролик жамияти сари” принципини амалга оширишдаги ролини янада қўйиштиришга олиб келувчи яна бир мантқий қадам бўлиб хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
гуруҳ раҳбари

МАМЛАКАТИМИЗДА фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилишининг ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида тартибга солиниши давлатнинг демократик анъаналарга содиқлигидан далолат. Шунингдек, жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ўтқиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг том маънода демократик институт эканлигини тасдиқлайди.

ШУНИ алоҳида таъкидлаш лозимки, сайлов жараёнида босқичлари ичида сайлов якунларини чиқариш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чўки айнан ушбу босқичда сайлов натижалари ва сайловчилар хоҳиш-иродаларининг натижалари эълон қилинади. Хусусан, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида фуқаролар

Яқунларнинг чиқарилиши

йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан қўб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилади ва ҳозир бўлган ишчи гуруҳи аъзолари уни имзолайди. Баённома ишчи гуруҳи аъзоларининг кўпчилиги томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Эркин НАЖМИДДИНОВ,
етақчи илмий ходим

МАЪЛУМКИ, 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини таъминлаш долзарб аҳамият касб этишини алоҳида қайд этди.

САЙЛОВ жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири — бу фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш ва сайлашдан иборатдир.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига асосан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан тузиладиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Ишчи гуруҳи аҳоли фикрини ўрганиб, умумлаштириб, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи туман ёки шахар комиссиясига сайловдан қамда ўн кун олдин топширади. Туман ёки шахар комиссияси ишчи гуруҳидан оқсоқол вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлари олади, қўб чиқади ва тегишли ҳоким билан ушбу номзодлар бўйича келишиб олади.

Қонуннинг 15-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қонда тарихида, олий маълумотли ва сайлов кўни тегишли ҳудудда доимий яшаётган, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий таърибига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланган ҳисобланади.

Қонуннинг 16 ва 17-моддаларига биноан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг микдорий таркиби ҳовиллар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мазеелар ва даҳалардан вакилларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини қўб чиқариш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан қамда уч кишидан иборат таркибда санок комиссияси сайланади. Бу тартиб Қонуннинг 18 ва 19-моддаларида белгиланган бўлиб қўйилган.

Башарти фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очик овоз бериш орқали ўтказилаётганда, 20-моддасига асосан овоз бериш ҳар бир номзод бўйича тақлифларнинг қилиб тушиш тартибига қараб, қўб қўйиш йўли билан ўтказилади.

Башарти фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда, 21-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғини иштирокчиларига санок комиссияси

МАМЛАКАТИМИЗДА фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган. Ушбу Қонунга ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ сайловда иштирок этиш ҳуқуқи фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи ҳисобланганлиги боис, сайловни ўтказишнинг қондалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар Қонунда белгиланган йўсунда жавобгар бўлади. Бу эса сайлов жараёнида сайловларни ўтказиш вақтида овоз беришини яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбқолаштириш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

МАЗКУР сайловларда жавобгарлик асосан қўйидаги хатти-харакатлар натижасида юзага келиши мумкин: турли ижтимоий сабабларга кўра, сайловчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланмаганда; сайловчиларни сайловда иштирок этиш ёки иштирок этмасликка мажбур этиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатиш каби ҳолатларда; у ёки бу шахсининг кўпроқ овозга эга бўлиши ёки бошқа сабабларга кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг иштирок этишига йўл қўйилганда; сайловнинг очик ва ошкора амалга оширилиши таъминланмаганда; сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи мақсадида тузилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шахарлар комиссиялари қўнда белгиланган ваколатлардан четга чиққан ёки уларни лозим даражада бажармаган бўлса; сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи Қонунда белгиланган ваколатлардан четга чиққан ёки уларни лозим даражада бажармаган ҳолларда; сайлов жараёнида ҳудудда яшовчи аҳолининг фикри ҳисобга олинмасдан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига бошқа номзодлар кўрсатилганда ёки номзодларга қўйилган талаблардан четга чиқилганда ва уни кўрсатиш мuddатлари бузилганда; сайловларнинг очик ёки ёпиқ овоз бериш тартиби бузилганда; санок комиссияси томонидан овозлар нотўғри саналганда; белгиланган тартибда тақдирий овоз бериш ўтказилган ҳолларда белгиланган талаблардан четга чиқилганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатлар.

Сайловда иштирок этган фуқаролар сайлов давомидида ўзларининг сайлаш ва сайланиш борасидаги ҳуқуқлари, шунингдек бошқа қонунбузарликларга йўл қўйилган деб ҳисобласалар “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида белгиланганидек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

ШУНИ алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятлар сифатида ҳам эътироф этилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланган жазо чоралари қўлланилади. Масалан, сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш барабаригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача

томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади. Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибидида қўйилган. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Бюллетен овоз бериш томонидан яширин овоз бериш кабинеси ёхуд хонасида тулдирилади. Овоз беришчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўқиради. Овоз беришчи

Номзодлар кўрсатиш ва сайловда овоз бериш

тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қўтисига ташлайди. Сайлов қўтилари овоз бериш тугагандан кейин санок комиссияси томонидан очилади.

Қонуннинг 26-моддасига кўра, башарти номзодлар иккидан ортиқ бўлса ва биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича тақдирий овоз беришчи ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Тақдирий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига сайланган ҳисобланади. Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, башарти аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, тақдирий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса, фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига қўли билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳолда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш юзасидан тақдирий сайлов ўтказилиши лозим. Тақдирий сайлов қонун талабларига қарай эълон қилинган ҳолда қўли билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш жараёнининг ҳуқуқий асослари қонунда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, уларга оғишмай риоя этиш сайловлар очик, ошкора ва демократик руҳда ўтқишга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
гуруҳ раҳбари

Қонун ҳужжатларини бузганлик учун...

қарорлари устидан берилган шикоят бошқа туркумдаги шикоятлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турганлиги боис, улар суд томонидан шикоят берилган қўнда эътиборан уч қўндаги кеңиктирмай қўб қилиниши, агар сайловга олти қўнда кам вақт қолган бўлса, дарҳол қўб қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига мустаҳкамлаб қўйилган (272-модда). Мазкур шикоят суд томонидан аризонани ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, агар шикоят аризонига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсини ҳам қачирган ҳолда қўб қилинади. Фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи — сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ масала ҳал этилаётганлиги боис, ушбу туркумдаги ишларда прокурорнинг иштирок этиши мажбурий саналади. Суднинг сайлов комиссияси қарори устидан берилган шикоят бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиши биланок дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризонига топширилади.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлигининг миллий қонунчилигимизда белгиланиши халқаро сайлов стандартларига ҳам мувофиқ бўлиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишда реал иштироки ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўқтам ҲАМРАЕВ,
Нодир МУХТОРОВ

Ҳолислик — ҳақиқат мезони

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Маълумки, яқин ўтмишда катта давлатлар ҳамда турли тузумлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар геосиёсий манфаатлар йўлидаги қурашнинг асосий моҳиятини ташкил этарди. Ҳўш, бугун-чи?! Бу қураш бугун ҳам давом этмокда. Бироқ “совуқ уруш” шаклида эмас, балки нозик дипломатия ва турли мулоқотлар шаклида ҳар қайси томоннинг ўз манфаатлари кўзлашиб олиб бориляпти.

Аммо гоё ва мақсадлар ўзгаргани йўқ. Томонлар ўзаро келишган ҳолда бири бир масалада, бошқаси бошқа бир масалада ён босади ёки бири қандайдир таҳдид борлигидан ваҳима кўтариб тарафашлари сафини кенгайтирмокчи бўлса, бошқа биттаси бировнинг бошини силаб, ўз йўригига юртимокчи бўлади ёхуд бири дин ва турмуш тарзининг яқинлиги ила тил топишиб бошқалар-

фаатидан устун қўймоқчи бўлганлар ҳамда қўшиллар муносабатларида юзага келган вазиятдан ноҳолис ниятда фойдаланиб қолмокчи бўлганлар доғда қолишди.

Жаҳоннинг айрим минтақаларида ва мамлакатларида бутун нотинчлик ҳукм сурмокда. Нафақат миллий-этник низолар, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви, норозилик намойишлари, балки турли даражадаги портлашлар, отишмалар, хунрезликлар ва бошқа жиноятлар ҳақидаги ахборотларни ҳар кўни эшитасиз, кўрасиз, ўқийсиз. Бундай ҳолатлар борасида ҳолис хабар тарқатиш, адолат нуқтаи назардан муносабатга киришиш ОАВнинг виждони, керак бўлса инсоф ва диёнатига боғлиқ масалалардир...

Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнида ҳаммасларга силалаб, ўз йўригига юртимокчи эслатиб ўтмокчимиз. Мустақил Ўзбекистон давлати матбуоти ва ўзбек журна-



ни ёмонотлиқ қилмокчи бўлса, бошқа бири демократия ва эркинлик ниқобида остида ўзгаларнинг муқаддас қадриятлари устидан қўлишга эрк беради. Бунда улар оммавий ахборот воситаларидан ўта таъсирчан қўрал сифатида фойдаланишди. Агар бир кўнлик ахборот оқими билан танишиб, имкон қадар уларнинг мазмун-моҳиятини солиштириб кўрсангиз асл мақсадда яширинган манфаатларни аниқлаб етасиз. Яъни, ким нимани истаб қандай ҳаракат қилаётганини, ким мустақил сиёсат юритиб, ким ўзгалар ногорасига ўйнаётганини, муҳим масалаларда ким қатъиятлик қўрсатиб, ким ўзгалар деб ўз манфаатига хиёнат қилаётганини тушуниб етгандай бўласиз.

Айни дамда минтақадаги бир масалага эътиборни қаратсак. Кейинги олти-етти йил мобайнида Орол денгизи, Сирдарё ва Амударёнинг қўйи оқимларидаги деҳқончилик, яъни ГЭС ва гидро-техник иншоотлар қуриш, экологик хавф, шўрланиш ва қургўчилик билан боғлиқ халқаро ахборотлар оқими кўзатиб бордим. Негадир деярли ҳаммаси Ўзбекистон билан боғланган эди. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар ва шарҳларида нуқул Ўзбекистон тилга олинади, Гўё Қозғистон билан Туркманистонга дарёлар ҳам, денгиз ҳам керак эмасдек, яъни қуриладиган тўғон ва бошқа гидроиншоотлардан Киргизистонга ҳам, Тожикистонга ҳам хавф-хатар йўқдек.

Икки йил олдин Юртбошимизнинг Орол денгизи тақдирини, Сирдарё ва Амударёнинг қўйи оқимларидаги деҳқончилик, яъни ГЭС ва гидро-техник иншоотлар қуриш, экологик хавф, шўрланиш ва қургўчилик билан боғлиқ халқаро ахборотлар оқими кўзатиб бордим. Негадир деярли ҳаммаси Ўзбекистон билан боғланган эди. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар ва шарҳларида нуқул Ўзбекистон тилга олинади, Гўё Қозғистон билан Туркманистонга дарёлар ҳам, денгиз ҳам керак эмасдек, яъни қуриладиган тўғон ва бошқа гидроиншоотлардан Киргизистонга ҳам, Тожикистонга ҳам хавф-хатар йўқдек.

Икки йил олдин Юртбошимизнинг Орол денгизи тақдирини, Сирдарё ва Амударёнинг қўйи оқимларидаги деҳқончилик, яъни ГЭС ва гидро-техник иншоотлар қуриш, экологик хавф, шўрланиш ва қургўчилик билан боғлиқ халқаро ахборотлар оқими кўзатиб бордим. Негадир деярли ҳаммаси Ўзбекистон билан боғланган эди. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар ва шарҳларида нуқул Ўзбекистон тилга олинади, Гўё Қозғистон билан Туркманистонга дарёлар ҳам, денгиз ҳам керак эмасдек, яъни қуриладиган тўғон ва бошқа гидроиншоотлардан Киргизистонга ҳам, Тожикистонга ҳам хавф-хатар йўқдек.

Икки йил олдин Юртбошимизнинг Орол денгизи тақдирини, Сирдарё ва Амударёнинг қўйи оқимларидаги деҳқончилик, яъни ГЭС ва гидро-техник иншоотлар қуриш, экологик хавф, шўрланиш ва қургўчилик билан боғлиқ халқаро ахборотлар оқими кўзатиб бордим. Негадир деярли ҳаммаси Ўзбекистон билан боғланган эди. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар ва шарҳларида нуқул Ўзбекистон тилга олинади, Гўё Қозғистон билан Туркманистонга дарёлар ҳам, денгиз ҳам керак эмасдек, яъни қуриладиган тўғон ва бошқа гидроиншоотлардан Киргизистонга ҳам, Тожикистонга ҳам хавф-хатар йўқдек.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи,
“Олтин қалам”
танлови ғолиби

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ дастлабки йилларидан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни либераллашувини шартли равишда қуйдагича даврлаштириш мумкин. Жиноят қонунини либераллаштиришнинг **биринчи босқичи** 1991 йилдан, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан то 2001 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олган бўлиб, жиноят қонунини либераллаштиришнинг ушбу даври қуйдагича хусусиятлар билан тавсифланади: жиноят қонунини либераллаштиришнинг биринчи босқичида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Булар жумласига **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”**ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини киритиш мумкин; ушбу босқичда Республикада томонидан ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қатор ҳужжатлари имзоландики, бу ҳолат эндигона мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг инсон ҳуқуқлари соҳасига оид бўлган ҳалқаро ҳужжатларга қўшилиши билан изоҳланади. Бундай ҳужжатлар қаторига **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”** халқаро Пакт ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин; мазкур босқичнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири бу даврда жиноят қонунининг асосий таянчи бўлган муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қабул қилинди; ушбу босқичда жиноят қонуни нормаларининг санкция қисмига жазони енгиллашти-

рувчи тусдаги қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди; 1998 йилнинг 1 майида **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан жиноят қонунига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди. Авваламбор, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига диний ташкилотлар билан боғлиқ бошқа турли қўшимча ва ўзгартишлар

Мутахассис фикри

да қучайтиришдан иборат. Ушбу даврда жиноят қонунини даврнинг энг муҳим янгилликлари қуйдагича тизимлаштириш мумкин. **Биринчидан**, Жиноят кодекси 15-моддасидаги жиноятлар таснифи тубдан қайта қўриб чиқилди ҳамда жиноят қонунини биринчи маротаба унинг туб бурилишига сабаб бўлган жиноятнинг ҳар бир маротаба жиноятлар доираси кенгайтирилди. Бу эса ўз навбатида нафақат жазо,

балки жавобгарлик ҳамда судланганлик билан боғлиқ мураккаб жараёнларни енгиллаштиришга хизмат қилди;

Иккинчидан, бу даврнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири бўлган биринчи маротаба жиноят қонунига ярашув институти кириб келди. Ушбу институтнинг роли ва аҳамияти бениҳоя улкан бўлиб, бу ҳолат қуйдагича омиллар билан асосланади: авваламбор, ярашув институтининг жорий этилиши биринчи навбатда жиноят ишларини тез ва қисқа

тариф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Учинчидан, айнан мазкур даврда ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тартибидидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қонданнинг киритилиши мамлакатимизда жиноят қонунини либераллаштириш борасида амалга оширилган ишларнинг яққол намунаси.


Тўртинчидан, жазо тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Чунки: авваламбор, ўлим жазосини назарда тутувчи жиноятлар сони янада қисқариб, фақатгина 4 турдаги жиноят содир этганили учун ўлим жазосига ҳукм қилиш мумкинлиги назарда тутилди; шунингдек, жиноят қонунини 2001 йилга қадар қасбани келатган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси жазо тизимидан чиқариб ташланди; яна шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг микдори (44-моддасининг иккинчи қисми) энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараварига эътиб белгиланди; юқоридагилар билан бир қаторда, инсонпарварлик гоясидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 50-моддаси 4-қисмида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати тегишли моддада назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди.

Азиз РУСТАМБОВ,
юридик фанлар номзоди

Жиноят қонунини либераллаштириш

суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналиши

(Биринчи мақола)



киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси ҳам вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи янги қисмлар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунини либераллашувининг иккинчи босқичи 2001-2007 йилларни ўз ичига олиб, ушбу давр ҳам жиноят қонунига ўзига хос муҳим янгилликлар киритилганлиги, жиноят қонунини мазмунинида туб ўзгартишлар рўй берганлиги билан тавсифланади. Мазкур даврда жиноят қонунига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг асосий мазмун-моҳияти жазо чораларини янада енгиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини яна-

муддатда қўриб чиқиш имкониятини берди; шунингдек, ярашув институтининг жорий этилиши билан судланганлик ҳолати келиб чиқишининг олди олинди (эро, ушбу институт жавобгарликдан озод этувчи институт ҳисобланади). Жиноят кодексига 66-модда (Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) билан кириб келган ушбу институт мазкур моддада қўзда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан ярашув институти қўлланилишини назарда тутди. Мазкур моддада мувофиқ, ижтимоий ҳавфлилик даражаси катта бўлмаган жиноий биринчи маротаба содир этган шахс айбига иқдор бўлиб, жабрланувчи билан ярашиб, етказилган зарарни бар-

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

ЯКИНДА Фарғона политехника институтида **“Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият”** мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Айни кунларда мазкур мавзуда республикамиз бўйлаб ўтказилаётган ҳуқуқий саводхонлик ойлиги доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят адлия бошқармаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари, “Камолот” ЕИҲ вакиллари, таълим, соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари ҳамда институтининг ўқитувчи ва талабалари қатнашди. Давра суҳбатида миллий қонунчилигимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид мустаҳкам ҳуқуқий асослар, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг аҳамияти, уларнинг ҳуқуқий билимларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттиришда тарғиботнинг ўрни ҳақида сўз борди. Мулоқот чоғида мутахассислар йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шунингдек, ушбу мавзудаги тадбир Фарғона давлат университети талаба ёшлари билан ҳам қизиқarli тарзда ўтказилди.

Юристар малакасини ошириш марказида **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларни тақомиллаштириш масалалари”** мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти ходимлари, шунингдек, Юристар малакасини ошириш марказида малака ошираётган ҳўжалик, қорхона ва ташкилотларнинг юрист-консультлари иштирок этишди.

Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Тадбирда сўзга чиққанлар, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг мазкур Концепцияда белгиланган вазифалар билан уйғунлигини таъкидладилар.

Мутахассислар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларни тақомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг амалиётга татбиқ этилишини енгиллаштириш ҳамда процессуал механизмларни қучайтириш билан боғлиқ муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, бу борадаги ҳалқаро тажрибаларни ўрганишга оид бир қатор аниқ тақлифлар билдиришди.

Мазкур семинар савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг 35-моддасига биноан ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари борасидаги муносабатлар тартиби белгиланган.

УНГА ҚўРА, мурожаат қилаётган фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним ҳисобланади ва қўриб чиқилмайди.

Давлат органига келиб тушган мурожаатларни ҳал қилиш унга тааллуқли бўлмаса, 5 кунлик муддат ичида тегишли органга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Агар мурожаатда тегишли

Талқин

Имзосиз мурожаатлар

аноним ҳисобланади ва қўриб чиқилмайди

органга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, 5 кунлик муддатда асосланган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Ариза ва шикоятлар, масалани моҳиятдан ҳал этиш шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, қўшимча ўрганишни талаб этмайдиган ариза, шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай қўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятда қўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тад-

бирлар қўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни қўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тартибда узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Республика Суд департаменти томонидан фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, департамент директори томонидан жойларда чиқиб қабуллар уюштириш амалиётини ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Департаментга жорий йилнинг датилабки уч ойи давомида 1380 нафар фуқаро мурожаат қилиб, улар белгиланган тартибда қўриб чиқилди. Айниқса, вояга етмаганларнинг таъминоти учун алимент ундириш масалалари юзасидан фуқаролар кўплаб мурожаатлар қилмоқдалар. Ҳар бир ҳолат чуқур ўрганилиб, мурожаатлар қаноатлантирилмоқда ёки тушунтириш берилмоқда. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари суд ижрочилари томонидан муҳофаза этилиши таъминланмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатлари — тақлиф, ариза ва шикоятлари замирида уларнинг ижтимоий ҳаётдаги бiron воқеа ёки ҳолатга ўз муносабати мужассам. Бу эса ҳар бир тегишли давлат органидан алоҳида эътибор ва масъулият талаб этади.

Сирожиiddин АХМЕДОВ,
Республика Суд департаменти масъул ходими

мукаммаллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмни шакллантириш, миллий давлатчилигимизни ривожлантириш йўли орқали халқимизнинг фаровон турмуш тарзини яхшилаш ва охир оқибатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдир.

Семинар йиғилишда Тошкент давлат юридик институтининг етакчи мутахассислари, суд департаменти ходимлари эътиборига Концепциянинг умумий аҳамияти, лозим бўлган ишлар ва унда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилиши назарда тутилган ислохотлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида маъруза қилдилар.


Суд департаменти матбуот хизмати

Ўқув-семинар

Кенг ва содда тилда тушунтирилди

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақлиф этилган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** мазмун-моҳиятини тизим ходимлари ўртасида ўрганиш ва ҳар томонлама очиб беришга қаратилган ўқув-семинари ташкил этди.

КОНЦЕПЦИЯДА назарда тутилган 6 йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлардан қўланган мақсад жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, норматив ҳуқуқий базани жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида янада



ХАЛҚАРО шартномалар ҳуқуқи деганда, халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномалар тузилиши, амал қилиши, ўзгартирилиши ва тўхтатилиш тартибини, амалдаги шартномалар шариоитини белгилайдиган нормалардан иборат тегишли соҳаси тушунилади. Бу соҳа объекти сифатида эса, халқаро ҳуқуқнинг етакчи ва асосий манбаига айланиб улгурган халқаро шартномалар ўзи намоён бўлади.

Халқаро шартнома — халқаро ҳуқуқнинг икки ёки бир қанча субъекти ўртасида уларнинг муносабатларини сиёсий, иқтисодий, фан-техника, маданият ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни яратиш йўли билан тузилган, аниқ ифодаланган битимлардир.

Шунингдек, халқаро шартнома — хилма-хил битимларни қамраб олувчи тушунча бўлиб, улар турлича: шартнома, битим, пакт, трактат, конвенция, декларация, коммюнике, протокол ва шу каби номлар билан аталиши мумкин. У ёки бу номнинг аниқ белгиланган маъно-мазмуни мавжуд эмас. Қандай номланишидан қатъи назар, барча халқаро шартномалар бир хил юридик қучга эга. Улар ёзма шаклда тузилади.

Халқаро шартнома — озғак тарзда тузилган бошқа битимлардан, яъни жентелменча битимлар (маълум матн-

дан иборат, бироқ халқаро шартноманинг бошқа атрибутларини, хусусан, унга юридик қуч беришни, қучга кириш шарт-шароитларини ва ҳаракат муд-

Халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартнома

Универсал характерга эга ҳужжатларнинг ўрни ва аҳамияти

датини белгиловчи қоидаларни ўзида ифодаламаган озғак битимдан фарқли ўлароқ давлатлар ўртасида тузилган ёзма битимдир.

Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида ташқи иқтисодий ва маданий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Президентимиз таъ-

рига риоя этилган ҳолда олиб борилмоқда. Ушбу алоқаларнинг барчаси бевосита халқаро шартномалар тузиш ёки илгари тузилган халқаро шартномаларга қўшилиш орқали амалга оширилмоқда.

Тинчлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби умумбашарий масалаларни ҳал қилиш учун халқаро ҳуқуқий шароит яратиш мақсадида ўзаро манфа-

атдорликка асосланган халқаро алоқалар кенгаймоқда.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига нисбатан қўланиладиган ҳуқуқни белгилаш ва амали-

лари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрли қилишувдир.

Ўзбекистоннинг хориж ҳамкорлари билан шартномавий муносабатларга киришиш амалиёти таҳлили шундай ҳулосаларни берди:

халқаро шартномавий ҳуқуқ борасидаги битимлар инсон ҳуқуқларига тўла мос; демократик тамойилларга мос; фуқаролик жамияти ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашга хизмат қилади;

халқаро шартнома ҳуқуқида барча давлатларнинг суверенитети, уларнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегаралар дахлсизлиги тан олинган;

қуч ишлатиш, қуч билан қўрқитиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўла ифодасини топган.

Жамшид НУРИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият тарғиботи академияси тинловчиси

Меъёр

кидлаганидек **“Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришга барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилишига имкон яратди”**.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари ўзаро тенглик ва суверенитет тамойилла-

етда қўллаш жараёни ҳақида ҳар томонлама илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш назарий ҳамда амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъект-

лари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрли қилишувдир.

Ўзбекистоннинг хориж ҳамкорлари билан шартномавий муносабатларга киришиш амалиёти таҳлили шундай ҳулосаларни берди:

халқаро шартномавий ҳуқуқ борасидаги битимлар инсон ҳуқуқларига тўла мос; демократик тамойилларга мос; фуқаролик жамияти ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашга хизмат қилади;

халқаро шартнома ҳуқуқида барча давлатларнинг суверенитети, уларнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегаралар дахлсизлиги тан олинган;

қуч ишлатиш, қуч билан қўрқитиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўла ифодасини топган.

Жамшид НУРИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият тарғиботи академияси тинловчиси

Минтақада тинчлик ва барқарорлик гарови

100047, Тошкент ш
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-lq.uz
Сотувда эркин нархда
1 2 3 4 5